



2018 у.г. «25» май

№ 920-КА

Каттақо'рғ'он ш. – г. Каттакурган


**Каттакўрғон шаҳар Ингичка кўчаси атрофидаги кичик саноат зонаси  
худудидан Қурбонов Шавкат Наимовичга металга ишлов бериш цехи  
биноларини қуриш учун 0,30 га ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги 54-сон "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш, ҳамда Қурбонов Шавкат Наимовичнинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини ва Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар Ингичка кўчаси атрофидаги кичик саноат зонаси худудидан Қурбонов Шавкат Наимовичга металга ишлов бериш цехи биноларини қуриш учун 0,30 га ер майдони ажратилсин.
3. Қурбонов Шавкат Наимовичга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида металга ишлов бериш цехи биноларини қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юқлатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.
5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га Қурбонов Шавкат Наимовичга металга ишлов бериш цехи биноларини қуриш учун ажратилган ер майдонини натура тарзда ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.
6. Қурбонов Шавкат Наимович томонидан шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали асосида белгиланган муддатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.
7. Қурбонов Шавкат Наимовичга металга ишлов бериш цехи биноларини қуриш учун ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосарлари Б.Кенжаев ва М.Санаевлар зиммасига юқлатилсин.

Шаҳар ҳокими

 М.Хашимов